Куч — адолатда

2010 йил,
21 октябрь,
пайшанба
№ 41-42 (296)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Bugun — «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

ТАФАККУР КЎЗГУСИ

Тил ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфасини намоён этувчи ва ўзлигини ифодаловчи муҳим рамзлардан бири, инсоният тафаккурининг бебаҳо кўзгусидир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан собиқ шўро мафкураси ҳукмрон бўлган йилларда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши истиқлолга эришиш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди. Мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритилгач, она тилимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ўзбек тилшунослигини тубдан тараққий эттириш йўлида амалга оширилаётган ишлар бугунга келиб ўз самарасини бераётир.

Бундай юксак эътибор она тилимизнинг бутун гўзаллик ва жозибасини тўлиқ намоён этиш учун қулай шароит яратди. Олимларимиз ва мутахассислар бундай имкониятлардан фойдаланиб, ўн икки жилдли **«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»**ни яратди. «Ўзбек исмлари» изоҳли луғати нашр этилди. Илм-фан ва ҳаётимизнинг турли қирраларини акс эттирувчи кўплаб атамалар луғатлари чоп этилди.

Мумтоз адабиётимизга оид тадқиқотлар кўлами кенгайди. Хусусан, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг йигирма жилдли мукаммал асарлар тўплами китобхонларга муносиб туҳфа бўлди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида беш жилдли **«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»** нашр этилишини эса бу борада босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим самараси дейиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси ўлароқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатли ҳимоя қилинмоқда. Бу йўналишдаги бир қатор янгиликлар, жумладан, суд ишларини юритиш процессуал тартибининг такомиллаштирилгани, жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Тарафларнинг тенглиги тамойили

инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади

Жиноят процессида тарафларнинг тенглиги тамойили ва ҳимоя ҳуқуқини кафолатловчи меъёрлар амалда ҳам ўз ифодасини топаётгани соҳадаги муҳим ютуқлардан биридир. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги Жиноят, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларида судларда ишлар тенглик ва тортишув принциплари асосида амалга оширилиши қонуний мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, Жиноят процессуал кодексининг 25-моддаси талабига мувофиқ, давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жиноят процессининг бошқа иштирокчилари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этади ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланади.

«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда суднинг ролини оширди.

(Давоми учинчи бетда)

2010-yil — Barkamol avlod yili

Бой тафаккурга, юксак маънавий дунёқарашга эга бўлган аждодларимиздан бизга сермазмун асарлар, бетакрор тарихий обидалар мерос бўлиб қолган. Улар халқимизнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси сифатида бугунги кунда ҳам жаҳон оммасини ҳайратга солиб келмоқда.

Ана шундай боқий меросимизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш, улғайиб келаётган авлодни бой ўтмишимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, ёшларни эртамизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадига айланган.

Камолотга етакловчи маскан

Шу йил 30 август куни Бухоро шаҳрида очилган **«Кўҳна ва боқий Бухоро»** мажмуаси бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, **«Кўҳна ва боқий Бухоро»** монументи қад ростлади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида бу ерга ташриф буюриб, мажмуанинг мунтазам фаолият олиб боришини ташкил этиш, ундан ёш авлод тарбияси йўлида самарали фойдаланиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, айни пайтда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим масканлари ҳамкорлигида бу йўналишда изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ФҲДЁ тузилмасининг Бухоро шаҳар бўлимлари амфитеатр биносида фаолият юритмоқда. Мажмуа юртимизда ёшларга бўлган эътиборни акс эттирувчи турли баннерлар, панолар билан безатилмоқда.

Мажмуа ҳозирданоқ ўқувчилар, талабалар, ижодкорлар, тарих ихлосмандлари, кенг жамоатчилик вакилларининг табаррук зиёратгоҳи ва мароқли дам олиш масканига айланди. Бу ерга ҳар куни Бухоро вилояти ва унга туташ ҳудудлардан кўплаб ёшлар ташриф буюрмоқда.

— Ҳозирги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида ёшларимиз камолотига хизмат қиладиган кўплаб таълим масканлари, маданий-маърифий иншоотлар барпо этилмоқда. «Баркамол авлод йили»да фойдаланишга топширилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси эса бундай хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди — **дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши бўлим мудири Аҳмаджон Нуриддинов.**

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquq va burch

Шартнома — лафз демакдир



Ваъдага вафо қилиш, ҳалоллик, масъулиятни чуқур ҳис қилиш сингари инсоний фазилатлар ўзаро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Айни пайтда бу хислатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, фуқаролик муносабатларининг муҳим кўринишларидан бири бўлган битимлар самарадорлиги томонларнинг ўз мажбуриятларини нечоғлиқ тўлиқ адо этишига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, битимлар Фуқаролик кодексида белгиланган меъёрлар билан тартибга солинади. Шунингдек битим (шартнома)ларнинг айрим турлари ҳақидаги масалалар қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Моҳиятан битимлар фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган бўлиб, тарафларнинг ўзаро келишувини, хоҳиш-иродасини ифодалайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

у тобора такомиллашаётган қонунчилигимизда тўлиқ кафолатланган

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўғил-қизларимизни XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, юртимизда 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани муносабати билан давлатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғриси»даги қарори қабул қилинди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида асосий вазифалардан бири сифатида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қайд этилган.

Олий Мажлис Сенатининг III ялпи мажлисида маъқулланган **«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун моҳият-эътибори билан юқорида қайд этилган мақсадларга хизмат қилади.

Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг низомида кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Ишончнома бир шахс, шунингдек, бир неча шахслар номидан бир ёки бир неча шахслар номига ҳам берилиши мумкин. Чунончи, уй-жой қуриш кооперативининг вакили кооператив аъзоларининг барчаси томонидан ёки умумий мажлиснинг ваколатига биноан бир неча шахс томонидан имзоланган ишончнома олиши мумкин.

Амалдаги қонунчилик йилларда, асосан, маиший мақсадлардаги пиротехника буюмларининг муомаласи кескин ортган. Чунончи, 2006 — 2009 йиллар мобайнида ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида пиротехника буюмларини келтириш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда белгиланган қоидаларни қўпол равишда бузган 3481 нафар ҳуқуқбузардан 3 миллиард 276 миллион донадан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Айтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ва бошқа ҳуқуқларни амалга оширишда ишончномалар алоҳида аҳамиятга эга. Фуқаролик кодексининг 134-моддасига мувофиқ, ишончнома бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахс (ишончли вакил)га учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун бериладиган ёзма ваколатдир.

Ишончнома

у қандай тартибда, кимларга берилади?

Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш юритади. Ишончноманинг берилиши вакил учун ваколат белгилашга қаратилган бир томонлама битимнинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади.

Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг низомида кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш ишончноманинг бир неча тури ва шаклини назарда тутади. Ишончнома умумий, махсус ва бир марталикка бўлинади.

Умумий ишончномада ҳар хил битимлар ва бошқа юридик ҳаракатлар қилиш, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг филиалларини бошқариш ёки фуқарога тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш ва эгалик қилиш учун берилган ваколат кўрсатилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этган жиноий жазоларнинг либераллаштирилиш жараёни қонунчилигимизда инсонпарварлик тамойилларининг устунлигини намоён этди. Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашга кенг ўрин берилди. Шундай чоралардан бири шартли ҳукмдир.

Шартли ҳукм

Суд жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахсини эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини тузатиш мумкин, деган хулосага келса, шартли ҳукм қўллайди. Халқимизнинг табиатига хос бўлган бағрикенглик хислатини ўзида мужассам этган ушбу чора — шартли ҳукм жазоси айбдорнинг келгусида тўғри йўлга тушиб олишига катта имконият беради. Зеро, шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш шартли ҳукмнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, шартли ҳукм қўлланилиши судланувчига қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаб, унинг хулқини оила аъзолари, яқинлари, маҳалла-кўй, меҳнат ёки ўқиш жамоаси даврасида тузатишга эришиш деганидир.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Отабек (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамқишлоқларининг уйларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланар, шу ҳунарининг орқасидан кун кечирарди. Қўшниси Жамол эса бўш вақтларида унга кўмаклашарди.

(Давоми учинчи бетда)

Huquq va burch

Шартнома — лафз демакдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, битимлар фақатгина тарафларнинг келишуви ва ундаги мажбуриятларнинг ихтиёрий равишда бажарилишига боғлиқ бўлмасдан, битимни бажармаган тарафни мажбуриятини адо этишга мажбурловчи хусусиятга ҳам эга.

Чунончи, мажбуриятни бажармаган тарафнинг зарарни тўлаши, мажбуриятни бажармаганлик учун белгиланадиган жавобгарлик, мажбуриятни асл ҳолида бажариш ҳамда солидар мажбуриятни бажариш каби тартиблар айнан битимнинг самарадорлигига хизмат қилади.

Ҳаётда шартнома бўйича тарафларнинг мажбуриятларини ўз вақтида ёки белгиланганидек бажармаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Муборак филиали жавобгарлар — Муборак тумани «Истиқбол бахти» хусусий корхонаси, фуқаролар Ж.Жумаев ва З.Элмирзаевга нисбатан кредит ва кредит фоизларини ундириш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат этган. Ушбу фуқаролик ишини кўриш жараёнида жавобгар «Истиқбол бахти» хусусий корхонаси 2009 йил 16 июлда тузилган кредит шартномасига асосан 70 000 000 сўм миқдорида кредит олгани, аммо зиммасидаги мажбуриятни қўпол равишда бузиб, олинган кредитни ўз вақтида қайтармагани аниқланди. Суднинг 2010 йил 28 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгардан 70 000 000 сўм миқдорида кредит қарзи, 115 068 сўм миқдорида кредит фоизлари ундирилди.

Шу билан бирга кредит қарзи жавобгарлар томонидан банкка гаровга қўйилган савдо дўкони ва автотранспорт воситалари ҳисобидан қопланиши белгиланиб, кредит қарзини ўз вақтида тўламаганлиги туфайли жавобгар «Истиқбол бахти» хусусий корхонасидан 14 005 753 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ мақсадимиз кимларнингдир айбини ошкор қилиш эмас, балки зиммадаги мажбуриятни унутиш қонуний жавобгарликка сабаб бўлишини таъкидлашдан иборатдир. Халқимизнинг «Қарз қиёматда ҳам сўралади», деган ҳикмати ўз мажбуриятларини эсдан чиқарган кишилар учун сабоқ бўлса, ўзаро келишувлар бузилиши, шартномаларнинг бажарилмаслиги, натижада турли низоларнинг юзага келиши каби нохушликларга ўрин қолмас эди.

Н. РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг раиси

Huquqiy ma`rifat

Ишончнома

у қандай тартибда, кимларга берилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Махсус ишончнома фақат бир доирада чекланмаган битимларни тузиш ёки юридик ҳаракатларни содир этиш имконини беради. Бир марталик ишончнома эса фақат бир битим ёки юридик ҳаракат содир этиш учун берилади ва унинг бажарилиши орқали ишончнома ўз кучини йўқотади. Масалан, бир ойлик маошни олиш бўйича берилган ишончнома унинг олиниши орқали бекор бўлади.

Ишончнома икки хил: оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда тузилади. Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ишончномаларнинг нотариал идоралардан ташқари бошқа ташкилотлар томонидан тасдиқланиши Фуқаролик кодексининг 136-138-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 136-моддасига мувофиқ, госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларга ҳамда бошқа шахсларга шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан, ҳарбий хизматчиларга, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса, ишчи ва хизматчиларга шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларга тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан ишончномалар тасдиқланиши мумкин. Қолган барча ҳолларда ишончномалар оддий ёзма шаклда тузилади.

Ишончномада унинг қачон берилганлиги кўрсатилиши лозим, акс ҳолда, у ҳақиқий саналмайди. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилади. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмаслиги қонунчиликда алоҳида белгиланган.

Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади. Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома ушбу юридик шахснинг бош бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак.

Вакиллик шахсий ишончга боғлиқ бўлганлиги туфайли ваколат олган шахс қандай ҳаракатларни амалга оширишга вакил қилинган бўлса, уларни шахсан ўзи бажариши лозим. Вакил олган ваколати юзасидан бу ҳаракатларни бажаришни фақат ишончномада кўрсатилган ҳолларда ёки ваколат берувчининг манфаатларини қўриқлаш учун маълум бир шароитлар туфайли бировга топширишга мажбур бўлсагина, бошқа шахсга топширишга ҳақли. Ваколатнинг вакил томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкинлиги назарда тутилган ишончнома нотариал идора томонидан тасдиқланиши лозим.

Ишончнома берувчи хоҳлаган пайтда уни бекор қила олади, ишончнома олувчи ҳам ундан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ишончнома унинг муддати тугаши, ишончнома берувчи томонидан бекор қилиниши, ваколат олган шахснинг вакилликдан бош тортиши, номидан ишончнома берилган юридик шахснинг бекор бўлиши, номига ишончнома берган юридик шахснинг бекор бўлиши, ишончнома берувчи фуқаронинг ўлими, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши, ишончнома олган шахснинг ўлими, унинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилиши билан бекор қилинади.

Ишончнома берган шахс унинг бекор қилинганлиги тўғрисида ишончнома берган шахсни, шунингдек, ишончнома йўналтирилган учинчи шахсларни ҳам хабардор қилиши керак. Номидан ишончнома берилган юридик шахс тугатилган, ишончнома берган фуқаро вафот этган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолатларда ишончнома бекор бўлганлиги ҳақида хабардор қилиш мажбурияти ишончнома берган шахс ҳуқуқини қабул қилиб олувчилар зиммасига юкланади.

Ишончнома олган шахс томонидан унинг ишончнома бекор бўлганини билганидан ёки билиши лозим бўлган вақтдан сўнг қилинган ҳаракатлар ваколатнома берувчи учун ҳуқуқ ва мажбурият туғдирмайди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши натижасида қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи вужудга келади. Хусусан, ишончномаларни расмийлаштириш соҳасида ҳам фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида қонунчиликка мунтазам равишда янгиликлар киритиб борилмоқда. 2010 йил 15 сентябрда эълон қилинган **«Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунга асосан **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги қонуннинг 14-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра, фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) хат-хабарни, шу жумладан, пул ва жўнатмани олиш учун, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олиш учун, муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳақларини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олиш учун ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкинлиги белгиланди.

Бу эса, ўз навбатида, бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларга қўшимча кафолатлар яратишга, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши табиий.

Шерзод БАҲРОНОВ,
ҳуқуқшунос

Bugun — «Davlat tili haqida»gi qonun qabul qilingan kun

Тафаккур кўзгуси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, бир неча шеваларда қўлланиладиган сўзларни, баъзи тарихий терминларни ўз ичига олган.

Ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. Ушбу санага бағишланган тадбирларда **«Давлат тили ҳақида»**ги қонуннинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олиниши анъанага айланди.

Ўтган йиллар мобайнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш борасида таълим тизимида ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

Таълим масканларида «Она тили», «Адабиёт», «Ўзбек тили», «Одобнома», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» каби ўқув машғулотларида она тилимиз асослари, қонуниятлари, ривожланиш тамойиллари ўқувчиларга пухта ўргатиб келинмоқда. Айни пайтда тилга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада кучайтиришда ёшларнинг нутқ маданиятини юксалтириш, ўқув дарсликларида тил маданияти тарғиботини янада кенгроқ йўлга қўйиш, ўзбек тилини ўрганишга оид турли фан тўгараклари, ўқув машғулотлари фаолияти замон талаблари даражасида такомиллаштирилмоқда.

Бу фикрнинг исботини пойтахтимиздаги Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур мактаб-интернат раҳбари Зулфиқор Холмирзаевнинг айтишича, 1200 нафарга яқин ўғил-қиз билим оладиган ушбу даргоҳда ўқувчиларда она тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Ниҳол», «Саводхон» каби тўгараклар, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар, олимпиадаларнинг мунтазам ташкил этилиши, турли музейлар, маънавият ва маърифат масканлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан узвий ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани бунинг далилидир.



Тилшунослик ва она тилимизнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ва ролини мустаҳкамлаш борасида эришилаётган бундай ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Тил давр билан ҳамоҳанг равишда такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида, терминологик тизимга таъсир кўрсатади — янги тушунчалар, атамалар вужудга келади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозир ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда 500 та йирик соҳа мавжуд бўлиб, ҳар кеча-кундузда илмий кашфиётлар, янгиланишлар туфайли бир ярим мингта янги тушунча пайдо бўлади. Баъзи тушунчалар айнан тилимизга кириб келса, баъзиларини эса ўзбекчалаштириш, муқобилини топиш тақозо қилинади.

1999 йили май ойида ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Натижада миллий курашимизга оид «кураш», «ҳалол», «ёнбош», «чала», «ғирром» каби ўзбекча атамалар жаҳон спорти терминологиясига кирди. Ҳозир турли мамлакатларда кураш бўйича мусобақаларда шу сўзларнинг қўлланилаётгани ҳар биримизда ғурур ҳиссини уйғотади. Тилшунос олимларимизнинг таъкидлашича, бошқа тиллардаги халқаро атамаларнинг тилимизда қўлланилиши ҳам табиий ҳолдир. Дейлик, «компьютер» атамасининг муқобилини топиш беҳуда уриниш бўлар эди.

Шу билан бирга ўзбек тилшунослигига оид тадқиқотларни она тилимизнинг қонуниятларидан келиб чиқиб амалга ошириш, тил ва тафаккур бирлигининг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан мукаммал ўрганиш, матн лингвистикаси, нутқ маданияти бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш долзарб вазифалар сирасига киради. Ҳаётимизнинг барча қирраларида **«Давлат тили ҳақида»**ги қонун талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Qonun ko`magi

Хорижий инвесторлар ҳимояси

ҳуқуқ-тартибот идораларининг доимий диққат-эътиборида

Дунё миқёсида интеграциялашув жараёни жадал суръатда ривожланаётган бир паллада ҳеч бир соҳа тараққиётини хориж тажрибасиз тасаввур қилиш мушкул. Айниқса, иқтисодиётнинг ривожланишида хорижий инвестицияларнинг ўрни катта.



Юртимизда тадбиркорлик фаолиятининг қонуний асослари яратилиб, бу соҳа вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб берилиши натижаси ўлароқ бугун тадбиркорлик миллий иқтисодиётимизнинг таянч устунларидан бирига айланди. Айни чоғда мамлакатимизда фаолият юритиш истагида бўлган инвесторлар ҳам тобора кўпаяётир. Биргина Тошкент вилоятида 230 дан ортиқ хорижий ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани фикримиз далилидир. Буни хорижий инвесторларга республикамизда яратилаётган шарт-шароитлар, амалдаги қонунчиликка биноан, уларга берилаётган имтиёзларнинг самараси дейиш мумкин. Албатта, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини ҳимоя қилишда адлия идоралари ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг «Ишонч телефони» орқали корхоналар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилиб, унда фаолият юритишга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар аниқланмоқда ва тегишли тартибда чора кўрилаётир.

Жорий йилнинг шу кунига қадар бошқармамизга келиб тушган ариза-шикоятларнинг барчаси белгиланган тартибда қонуний ҳал этилди. Хусусан, ўтган давр мобайнида адлия бошқармаси томонидан қўшма корхоналар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан Тошкент вилояти хўжалик судига 194 та 454.802.261 сўмлик даъво аризаси киритилди. Шундан, 149 та даъво қаноатлантирилиб, қўшма корхоналар фойдасига 453.540.985 сўм ундирилди.

Бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясида ўтказилган ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Тошкент вилояти солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Тақдимнома тўлиқ қаноатлантирилиб, Олмалиқ шаҳар ДСИнинг масъул ходимига нисбатан Меҳнат кодексининг 181 — 182-моддаларига асосан жарима жазоси қўлланилди. Шунингдек, хато ва камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан «ҳайфсан» берилди.

Бундан ташқари бошқармамизнинг иш режасида тегишли вазифалар белгиланиб, бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Олмалиқ шаҳри ва Зангиота, Юқоричирчиқ туманида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан туман-шаҳар давлат бошқарув идораларида ўрганишлар ўтказилди ва аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Рағбатлантириш, ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳимоя қилиш — фаолиятни ривожлантиришнинг гаровидир. Шу маънода тадбиркорлар манфаатини, хусусан, хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бузилган манфаатларини тиклаш уларнинг келгусида янада самарали фаолият юритишига хизмат қилади. Бу эса, ўз-ўзидан, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Ёқуб БОҚИЕВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Jinoyatga jazo muqarrar

Тўғри

Ҳаёт йўллари бир текис эмас, турфа хил воқеа-ҳодисалар учраб туради. Баъзида кўзимизга равшан кўринган воқеа ортида, агар синчиклаб эътибор қилинса, турли сабаблар яширинганлиги маълум бўлади. Масалан, ўсмир ёшидаги бола жиноий қилмишга қўл урди — бировнинг мулкини ўғрилади. Бир қарашда жиноят учун ўғри айбдор, бошқа гапга ўрин йўқдай. Аммо кенгроқ мулоҳаза қилинса, кишини ўйлатадиган жиҳатлар ҳам борлиги аён бўлади. Чунончи, ўғрилик ўзганинг ҳақига хиёнат қилиш демакдир. Агар бола бунинг хавфли жиноятлигини билса, ўғрилик қилишдан тийилмасмиди?! Бинобарин, бу қилмишнинг илдизи аввало оиладаги тарбияга бориб тақалмайдими?

1987 йилда Пахтакор туманида туғилган, айни пайтда Хатирчи туманида истиқомат қилаётган Жуманазар Аббосов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган)га тегишли жиноят ишини варақлар экансиз, беихтиёр айни мулоҳазаларга борасиз.

Жуманазарнинг ота-онаси 1986 йилда оила қуришган. Вақт ўтиб, икки нафар фарзанд кўришади. Маълум муддат бирга яшаб, турли келишмовчиликлар сабабли кейинчалик ажрашиб кетишади. Бир неча йил Жиззах вилоятида яшаган Гулчеҳра Аббосова Навоий вилоятининг Хатирчи туманида истиқомат қилувчи қариндошларникига кўчиб келади. Икки йил синглиси Муҳаббат Алиеваникида яшайди. Кейин иккинчи марта турмуш қуради. Фарзандлари эса синглисининг қарамоғида қолади.

Келинг, тушунарлироқ бўлиши учун масаланинг моҳиятига тўхталайлик.

2010 йилнинг май ойида Жуманазар бекорчиликдан зерикиб Хатирчи тумани марказига тушади. Аввалига бозор айланади, дўконларни томоша қилади. Расталардаги, пештахталардаги турли-туман кийим-кечакларни кўриб, ҳаваси келади. Соғлом фикрли киши ҳавасига эришиш учун пешона тери билан пул топади. Айрим кимсаларнинг эса меҳнатга бўйни ёр бермайди.

Куни билан бозор айланган Жуманазар ҳам шундай қарорга келди: агар икки-учта дўконни ўмарса...

Шундай қилиб, Жуманазар Аббосов пухта ўйлаб, 2010 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Янгирабод шаҳридаги савдо дўконларидан бирига ўғирликка тушади. У дўконга том орқали кириб, «Мадонна» чинни буюмлар тўплами, бир дона аёллар қўйлаги, тўрт дона аёллар халат-лозими, ўн икки дона аёллар оёқ кийими, бир дона эркаклар жинси шими — жами 1.148.000 сўмлик моддий товар бойликларини олиб чиқиб кетади.

Масаланинг ҳайратланарли жиҳати шундаки, Ж.Аббосов ўғрилик молларни тўғри онасининг уйига олиб боради. Уларнинг бир қисмини онасига бериб, қолган нарсаларни оғилхонага яшириб қўяди. Буни қарангки, Г.Аббосова ўғлининг шунча пуллик нарсаларни қаердан олиб келгани билан сираям қизиқмайди. Тўғрироғи, Жуманазарнинг «ишлаб топдим», деган ёлғон гапига «ишониб» қўяқолади. Ваҳоланки, у икки кун аввал ўғли билан иш ҳақида гаплашган, агар пул топса, уйлантириб қўйиши ҳақида маслаҳатлашганди. Икки кундан сўнг ҳеч қаерда ишламайдиган ўғлининг икки миллион сўмликка яқин буюмларни олиб келгани, уларни сомон тагига яшириб қўйгани онани «шубҳалантирмайди».

Биринчи «ов»дан руҳланган, бунинг устига онасидан «рағбат» олган ўғил 2010 йилнинг 7 июнидан 8 июнига ўтар кечаси яна ўғриликка қўл урди.

У бу гал Янгирабод туманидаги Аҳмад Яссавий кўчасида жойлашган фуқаро А.Абдиевга тегишли дўконга тушди.

Жуманазар бу «ов»да эркаклар футболкаси, жинси шортиги, шими, соч қуритгич, миксер, дазмол, қаҳва майдалагич, оёқ кийимлари, компьютер овоз эшитгичи, қўл телефони батареялари, икки дона автомобиль маълумот ташувчиси, хуллас, жами 1.132.000 сўмлик товар моддий бойликларини қўлга киритади. «Ўлжа»ни эса ҳеч иккиланмай ҳоласи Муҳаббат Алиеваникига олиб боради.

Yangi qonun mohiyati

Болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

у тобора такомиллашаётган қонунчилигимизда тўлиқ кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Халқаро ҳамда миллий таснифга мувофиқ, пиротехника буюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва буюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган бўлиб, улар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва мол-мулкни асраш манфаатларига бевосита таъсир этади.

Пиротехника буюмларининг юқори даражада хавфлилигига қарамай, уларнинг асосий қисми муомаласига доир масалалар қонунчиликда етарли даражада тартибга солинмаган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 мартдаги **«Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори билан яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият лицензияланиши лозим бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материал ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситалари рўйхати тасдиқланган, бироқ пиротехника буюмларининг ўзига хос фарқланувчи хусусиятларга эга эканлиги ҳисобга олиниб, улар ушбу рўйхатга киритилмаган эди.

Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, дунёнинг бир қатор мамлакатларида, жумладан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, Канада, АҚШ (айрим штатларида), Россия Федерацияси, Молдова, Латвия ва Эстонияда пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, пиротехника буюмлари муомаласи соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришни кўзда тутувчи **«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун 4-моддадан иборат бўлиб, биринчи моддасига асосан, Жиноят кодекси **«Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи»** деб номланган 250[1]-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, мазкур модданинг иккинчи қисмида пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.



Бундан ташқари Жиноят кодексининг 250[1]-моддаси учинчи қисмида пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, одам ўлимига сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилди.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш учун дастлаб маъмурий жавобгарликнинг белгиланиши бу хилдаги қонунбузилишларнинг олдини олади, жиноят содир этишдан ўз ихтиёри билан воз кечишга ундаши каби тарбиявий аҳамиятга эга. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185[1]-моддаси билан пиротехника буюмлари муомаласига оид юқорида таъкидланган қоидаларни бузганлик учун ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилди.

Айтиш керакки, **«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги қарорининг биринчи иловаси **«Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш»** мазмунидаги хатбоши билан тўлдирилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ушбу қоидаларга оғишмай риоя қилиб келмоқда. Қолаверса, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқ ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. **«Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши пиротехника буюмларининг муомаласи борасида давлат томонидан самарали назорат ўрнатилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг соғлиғини муҳофаза этишга ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари

Islohot va samara

Тарафларнинг тенглиги тамойили

инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат малакали юридик ёрдам сифатини оширишга қаратилган кучли адвокатуранинг фаолият кўрсатиши ва адвокатлар малакасини юксалтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Адвокатура институтини ислоҳ қилиш доирасида қатор қонун ҳужжатларига нафақат адвокатлик касби мақомини, балки унинг инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ролини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришлар ҳимоячига қўшимча процессуал имкониятлар берилиши ҳисобига жиноят процессида тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашни кўзда тутади. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувлар сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Таъкидлаш лозимки, адвокат сўровига жавоб тақдим этмай, унинг профессионал фаолиятига монелик қилиш, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга таъсир ўтказиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят процессида гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш ҳолларига барҳам бериш мақсадида Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган **«Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги, **«Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарорлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай суд жараёнида, жиноят иши кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айбловчи, иккинчи томонда тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади. Фақат қонунга бўйсунувчи судьялар эса қонуний ҳуқуқлари, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради.

Дарҳақиқат, бу эзгу мақсад бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, суд жараёнида томонларнинг тенглиги принципи тўлиқ таъминланаётгани натижасида амалда ўз ифодасини топаётир.

Ш.РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси

Insonparvarlik tamoyillari

Шартли ҳукм

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кунларнинг бирида Отабек шогирдига Олмазор қишлоғида яшовчи Шаҳло Нуримованинг ҳовлисига ҳали дарвоза қурилмагани, уйда кўпинча одам бўлмаслигини билдириб, ўғирлик қилишни таклиф этади.

...Улар ярим тунда Ш.Нуримованинг уйига яширинча кириб, жабрланувчининг 5 миллион 54 минг сўмлик мол-мулкини ўмариб кетишди. Ўғирлик молларнинг бир қисмини Когон бозорида арзонгаров пуллаган ҳамтовоқлар қолган нарсаларни қулай пайт келишини кутиб яшириб қўйишди. Аммо кўп ўтмай уларнинг қилмиши фош этилди.

Судланувчилар — О.Наврўзов ва Ж.Одилов ушбу хатти-ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмидаги жиноятни содир этишди. Шунингдек, О.Наврўзов Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят бўйича ҳам айбдор, чунки у вояга етмаган шахсни жиноят ишига жалб этди. Суд О.Наврўзовга жазоларни қисман қўшиш йўли билан беш йилу бир ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Энди вояга етмаган Жамол Одилов масаласига тўхталамиз. Аввало шуни таъкидлаш керакки, Жамол айбига тўлиқ иқрор, қилмишидан пушаймон. У қилаётган ишининг оқибатини чуқур ўйлаб кўрмай, О.Наврўзовнинг таклифига рози бўлган, бошқача айтганда, жиноятга бировнинг таъсири билан қўл урган.

Суд барча ҳолатларни инобатга олди ва Ж.Одиловга тайинланган жазони, Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан, шартли ҳукмга алмаштирди ва унга икки йиллик синов муддати белгилади. Бу вақт давомида ҳар ойда икки марта ички ишлар бўлимидан рўйхатдан ўтиб туриш, яшаш ва иш жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақда тегишли идораларни хабардор қилиш мажбуриятини юклади. Ҳукм ижросини назорат қилиш туман ички ишлар бўлимига топширилди.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўриниб турибдики, инсонпарварлик тамойилига асосланган қонунларимиз мустақил ҳаёт остонасидаги ёш йигитни панжара ортида — жамиятдан айрилган ҳолда яшашдан асраб қолди. Икки йиллик синов эса Жамолнинг тўғри йўлга тушиб олиши учун берилган имкониятдир. Унинг хулқи яхши томонга ўзгариши, оиласи, яқинлари даврасида ўзини тузатиб олишига бундан ортиқ мурувват бўлмаса керак.

Азимжон ҲАФИЗОВ,
жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, иш берувчи ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини иш берувчининг ғайриқонуний равишда бажармаслиги қандай оқибатларга сабаб бўлади?

Ф.АБИЛОВ,
Нарпай тумани

— Била туриб, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик, шундай қилмишлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, иш берувчига Жиноят кодексининг 148-моддаси — меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш жиноятлари бўйича жавобгарлик белгиланади.

— Корхона раҳбари бўлиб ишлаган вақтимда корхона мулки растрата йўли билан талон-торож қилинганлиги учун менга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддасига асосан жиноят иши қўзғатилди. Бу ҳолатда етказилган моддий зарарни қопласам, менга нисбатан енгиллик бериладими?

К.НАМОЗОВ,
Олтинсой тумани

— Жиноят кодексининг 167-моддасида кўрсатилган, яъни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этган айбдор шахс етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда унга нисбтан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Giyohvandlik — asr vabosi

Иродани емирувчи иллат

Инсонга берилган неъматларнинг энг асосийларидан бири бу — соғлиқдир. Соғлом одам деганда, кўз ўнгимизда ҳам руҳан, ҳам жисмонан тетик киши гавдаланади. Албатта, соғлом ҳаёт тарзи инсондан муайян қоидаларга қатъий риоя этишни, чунончи, танани қувватсиз қиладиган, ақлни заифлаштирадиган иллатлардан узоқ юришни тақозо қилади. Чунки бундай иллатлар инсонни ҳар жиҳатдан ожиз аҳволга солиб қўяди. Масалан, гиёҳвандликка ружу қўйган кимса иммунитет пасайиши, ҳолсизлик каби қатор касалликларга дучор бўлгани етмагандек, иродасизлик, хотира сустлашиши сингари руҳий емирилишларга ҳам дуч келади.

Суд очерки

Таассуфки, гиёҳвандлик иллатининг тарқалишида ноқонуний равишда гиёҳвандлик олди-сотдисига қўл урадиган кимсаларнинг ҳам «ҳисса»си катта. Ўзининг тубан манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган бундай кимсалар учун ягона мақсад — осон йўл билан бойлик топиш, холос. Гиёҳвандлик дардига чалинган кишининг аянчли тақдири, шу иллат сабабли гулдек оилаларнинг тўзғиб кетиши, бегуноҳ гўдаклар ота-она меҳрисиз, қалби ўксиб яшаётгани ҳам уларнинг кўзини очмайди...

Мурод Олтибоевни ҳам шундай кимсалар қаторига қўшсак, хато қилмаган бўламиз. Негаки, у муқаддам қонунга зид равишда гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси билан шуғулланганлиги учун икки марта қонуний жазога тортилган бўлса-да, бундан у ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

Муроднинг Абдуҳаким Эшбадаловни йўқлаб борганини эшитган киши, даставвал «Танишини йўқлаш савоб иш-ку», дейиши аниқ.

Бироқ Мурод жазони ўташ жойида танишган Абдуҳакимни буткул бошқа мақсадда излаган эди.

— Жўра, анчадан буён мазам йўқ. Роса хумори тутаяпти. Ҳалигидан топиб бермасангиз бўлмайди, — деди у одатдаги сўрашувлардан сўнг мақсадга кўчиб.

(Давоми тўртинчи бетда)

йўлнинг талаби



Холасининг: «Бунча нарсани қаердан олдинг?», — деган саволига эса Жуманазар: «Одамларнинг буғдойини ўриб топган пулимга олдим», — деб жавоб қайтарди. Буни қарангки, Муҳаббат ҳам, нақотки бир-икки кун буғдой ўриб, бир миллиондан зиёд пул топиш мумкин бўлса, деб ўйлаб ҳам кўрмади...

Бир йигитнинг — катта ҳаёт остонасида турган ўспиринниг жиноий йўлга кираётганига томошабин бўлиб туришдан бу аёлларнинг виждони қийналмагани кишини ажаблантиради. Ҳолбуки, ҳали оқ-қорани яхши ажратолмайдиган ўсмир ана шундай «томошабинлик»ни худди рағбатлантиришдай қабул қилиши тажрибадан маълум.

Албатта, мамлакатимиз суд тизими адолат тамойилларига таяниб иш кўради. Буни ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судининг ҳукмидан олинган ушбу иқтибос ҳам тасдиқлайди: «...Судланувчининг жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисмининг «а» банди билан тўғри квалификация қилинган.

Суд ҳайъати, судланувчига жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 8-моддасида қайд этилган одиллик принципининг «жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак»лиги ҳақидаги талабдан келиб чиқиб, унинг айбига тўла иқрорлиги ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралидаги 01-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Пленум қарорига асосланган ҳолда, айбланувчининг муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини инобатга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 75-моддасини қўллаб, ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади».

Жуманазар Аббосов ушбу адолатли ҳукмдан ўзига керакли хулоса чиқариб, эгри йўлни тарк этса, тўғри йўлга қайтса, бойликни ҳалол меҳнатдан топишнинг афзаллигини англаб етса, нур устига нур бўлади. Ўйлаймизки, бир марта хато ишга қўл урган Жуманазар, албатта, иккинчи марта бундай қилмайди. Лекин унинг онаси, холаси-чи?.. Улар бўлиб ўтган суд жараёнидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олармикан? Бирининг фарзанди, бирининг жияни бўлган ўспиринни тўғри йўлга тушириш учун жон қойитишармикан? Энг асосийси, Жуманазар қўл урган жиноятда ўзларининг ҳам айби борлигини англаб етишдимикан?..

Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз, азиз муштарий?

Баҳром МУҲАММАДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судининг раиси
Ислом ҲАМРО,
журналист

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Дўстингни холи ўтирганда койиб, кўпчилик ичида мақта.

* * *

Ўзингни мақсадсиз ҳар томонга уришинг сенга бахтсизлик келтиради. Ғайратда ҳимматли, талабда устувор бўл.

* * *

Кишининг зийраклиги ҳеч қачон хато қилмасликда эмас, балки уни қайта такрорламасликдадир.

* * *

Бировни тушунмоқ учун ўзингни унинг ўрнига қўйиб кўрмоғинг, унинг севинчи ва дардини ҳис этмоғинг лозим.

* * *

Яхшилик ва камтарлик — шу икки фазилатдан киши ҳеч қачон чарчамаслиги керак.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Камолотга етакловчи маскан

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Ёшларимизни Бухорода амалга оширилган ўзига хос бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида вилоятимиздан эллик нафардан кўпроқ фаол ёшларнинг ушбу мажмуага саёҳатини уюштирдик. Мажмуани томоша қилар экамиз, «Кўҳна ва Боқий Бухоро» монументида акс этган тасвирлар қалбимизда бой ўтмишимизга, буюк аждодларимиз хотирасига чуқур эҳтиром ҳиссини янада кучайтирди, тарихимизга оид тасаввурларимизни бойитди. Бу даргоҳ навқирон авлоднинг маънавий камолотига, ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин кўзгуси сифатида бизни юксак марраларга чорлайди. Сафаримиз мобайнида мажмуада олиб борилаётган ободонлаштириш ишларига ўз улушимизни қўшиш мақсадида бухоролик тенгдошларимизга гул кўчатларини тақдим этдик.



Ҳозирги кунда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари мазкур мажмуада ўтказиладиган республика талабаёшларининг «Талабалар фестивали»га қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларидан 500 нафар талаба-ёшларни жалб этиш кўзда тутилган. Фестивални ташкил этишдан кўзланган мақсад — ёшларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаоллигини янада ошириш, йигит-қизларни мустақил Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари этиб тарбиялаш, юртимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга муносиб улуш қўшадиган малакали кадрлар тайёрлашга қўмаклашишдан иборат. Тадбир доирасида бўлиб ўтадиган анжуманлар, интеллектуал мусобақалар, кўрик-танловлар, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ана шу йўналишдаги долзарб вазифалар ижросига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

«Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуасида келгусида шунга ўхшаш яна кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, халқ оғзаки ижоди, фольклор ва театр санъати фестивалларини, бадиий асарлар тақдимотлари, миллий ва жаҳон мумтоз санъати намойишлари, спорт мусобақалари ва кўрик-танловларни ташкил этиш режалаштирилган.

Бу майдонда яқин-атрофда жойлашган таълим масканларининг ўқувчилари учун «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий ғоя ва маънавият асослари», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ҳамда «Маънавият асослари» фанларидан очиқ дарслар ташкил этиш кўзда тутилган. Бундай дарс-машғулотларни юксак савияда ташкил этишга кўмаклашиш, ўқувчи-ёшлар ва зиёратчиларга муносиб хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, мажмуада ифодасини топган тарихимизнинг ўзига хос қирраларини, Бухорои шарифнинг кўп минг йиллик тарихини ташриф буюрувчиларга батафсил тушунтиришга эътибор қаратилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбектуризм» компанияси ҳамкорлигида бу тадбирларни амалга ошириш мақсадида ёш тарихчи олимлар ва талабалардан иборат экскурсовод-гидлар тайёрланиб, жамоатчилик асосида уларнинг фаолияти йўлга қўйилади. Айни пайтда тарихчи олимларимиз томонидан ушбу фаолият билан шуғулланувчи мутахассислар учун Бухоронинг тарихий обидалари, «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси тўғрисида махсус қўлланманинг қўлёзма нусхаси тайёрланди.

Бир сўз билан айтганда, бунёдкор халқимиз салоҳиятининг муҳим кўзгуси, истиқлол йилларида амалга оширилаётган яратувчилик ишларининг бетакрор ифодаси бўлган «Кўҳна ва боқий Бухоро» мажмуаси ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини, миллий ўзликни англаш, азалий қадриятларга ва бой тарихимизга эҳтиром ҳиссини кучайтириш, юрт тинчлиги ва фаровонлиги, комил инсон тарбиясига хизмат қиладиган эзгу қадриятларни кенг тарғиб этишга, навқирон авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш ва юзага чиқаришга хизмат қилади.

Б.ХИДИРОВА



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

x x x

Блюменфельд айни чоғда шахмат психологи эди, ўйин пайтида махсус дафтарига ўз фикрларини, руҳий ҳолати ва кайфияти ҳақида ёзиб борарди. Бир куни турниридаги мусобақада унинг рақиби юргач, психологнинг дафтарига ўғринча мўралайди. Шунда Блюменфельд дафтарига ажи-бужи қилиб, «Филнинг қурбон қилинишидан ҳадиксираб турибман», деган сўзларни ёзиб, ўзи нари кетди. Рақиби ҳалиги сўзларни бир амаллаб ўқиб кўргач, ўйлаб ҳам ўтирмай филини қурбон қилиб юборди. Блюменфельд столига қайтиб келгач, суюниб ўтирган рақибининг кўз олдида чиройли ҳуснихат билан дафтарига шундай деб ёзиб қўйди: «Бекорга ташвишланган эканман, филнинг қурбон қилиниши хато!». Шундай дея филни шартта тахтадан олиб қўйди. Дафтарни ўқиб кўрган рақиби эса вариантларни ҳисоблаб ҳам ўтирмай дарҳол таслим бўлди.

x x x

Веналик профессорларнинг фикрича, машҳур шахматчи Рихард Рети тайёр диссертациясини қаҳвахонада унутиб қолдиргач, янгисини ёзишга эринмаганида математика соҳасида улкан ютуқларга эришиши мумкин экан.

Дарҳақиқат, Рети ҳамиша шамсия, шляпа, сумкаларини дуч келган жойда унутиб қолдирарди. Тартаковер бу ҳақда ҳазил қилиб шундай деганди: «Агар бир жойда Ретининг сумкаси турганини кўрсангиз, билингки, унинг ўзи аллақачон бу ердан кетган бўлади».

x x x

Рети тахтага қарамай ўйнаш бўйича рекорд даражасидаги сеанс бераётган эди. Бунинг учун нақадар кучли хотира эгаси бўлиш лозимлиги ҳаммага аён, албатта. Рети ўттиз нафар рақибнинг ҳаммасини ютиб чиқди. Сеансдан сўнг уйига кетаётиб эса... яна сумкасини унутиб қолдирди.

— Раҳмат, барака топинглар! — деди у сумкасини қайтариб беришаётганда.— Хотирам заифлигидан доимо азият чекиб юраман!

x x x

Гроссмейстер Сало Флор бир жойда ҳаваскорларга сеанс бераётган эди. Етишмаётган шахмат доналари ўрнига гугурт қутиси, танга, қанд бўлаги каби буюмлар қўйилганди. Жанг қизиган пайтда гроссмейстер ўз рақибидан сўраб қолади:

— Кечирасиз, қани менинг фарзиним?

— Қанақа фарзин? — ҳаваскор шахматчи ҳайрон бўлади. — Мен уни аллақачон олиб қўйганман: у тугмача эди!

— Э дарвоқе, — дейди Флор бошини ликиллатиб, — тугмачага эътибор қилмабман.

x x x

Америкада ўтказилаётган чемпионатда Решевский билан Шервин олдинги ўринларда дадил кетишаётган эди.

— Мабодо, сиз яна шу алпозда ўйнайверадиган бўлсангиз, шаштингизни пасайтириб қўйишимга тўғри келади, — дея рақибини огоҳлантиради Решевский.

— Аммо бунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин-ку! — дейди Шервин ботинқирамай.

— Йўқ, бунақаси миллион йилда ҳам бўлмайди!

Орадан икки тур ўтгач, Решевский устидан ажойиб ғалаба қозонган Шервин шундай чиройли лутф қилади:

— Вақтнинг тез ўтишини қаранг-а!..

x x x

Жуда кўп таниқли гроссмейстерларга устозлик қилган Семён Фурман ёшлигида жуда камтар-камсуқум, тортинчоқ бўлган. Журъатсизлиги, беқарорлиги хонимлар билан муносабатида ҳам панд бериб тураркан. Бир куни у гўзал бир қиз билан танишади ва ҳатто уни учрашувга таклиф ҳам этади. Аммо учрашувда бир оғиз ҳам гапирмайди.

— Семён, балки сиз бир нима дерсиз? — дейди боёқиш қиз зерикиб.

Шунда бўлажак гроссмейстер тутилиб-қалтираб, зўрға гап қотади:

— Майли, савол беринг.

x x x

Машҳур гроссмейстер Паул Керес Прагада ўтказилган турнирда биринчи ўринни олганида жуда ёш бўлган. Ундан ғолиб сифатида нутқ ирод қилишни ёки ҳеч бўлмаса, қадаҳ сўзи айтишни сўрашади. Аммо бўлажак гроссмейстер сўзамолликдан йироқ, тортинчоқ одам эди. Қанча уринишмасин уни гапиришга кўндиришолмайди. Шунда турнир ташкилотчиларидан бири ҳафсаласи пир бўлиб, хитоб қилади:

— Паул, агар гапиришни эпплолмасангиз, бундан кейин турнирларда биринчи ўринни олиб юрманг!

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Saboq

Фирибгарнинг қуюқ ваъдаси

аслида ёлғону асоссиз гаплардан иборат эди

Қонунга мувофиқ, якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларини ажратиш фақат кимошди савдоси орқали ваколатли комиссия томонидан амалга оширилади.

Бу тартиб-қоидадан Ҳазорасп туманидаги «Худойқули-Отажон» фермер хўжалиги раҳбари Юнус Бобожонов ҳам хабардор эди, албатта. Бироқ ўзбилармон фермер ўзининг манфаатини ўйлаб, нафақат қоидага хилоф иш тутди, балки давлат манфаатларига зиён ҳам етказди. Даставвал фермер хўжалиги ишчилари Султонпошша Отабоевадан 2000 ва Ҳалима Матёқубовадан 4000 АҚШ доллари олиб, уларга фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонидан уй қуриш учун ер ажратиб берди. Шундан сўнг талабгорлар кўпайиб қолди-ю, унинг ҳам «савдо»си юришиб кетди. Нафсини жиловлай олмаган Юнус Бобожонов С.Содиқов, Б.Қаландаров, О.Солиев, Ҳ.Оллаберганов, С.Нурматов ва бошқаларни ер билан таъминлаб, «тезда ҳоким қарорини чиқартириб бераман», дея ваъдани ҳам қуюқ қилди. Ер «сотишдан» тушган пуллар эса фермернинг чўнтагига кириб йўқолди.

«Тешик қулоқ эшитади», деган гап бор. Юнус Бобожоновнинг кирдикорларидан «Карвак» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умид Солаев ҳам хабар топди. Бироқ у содир этилаётган ноқонуний ишлардан ваколатли идораларни воқиф қилиш, шу тариқа ўзининг фуқаролик бурчини адо этиш ўрнига Юнусни хилватда учратгач, унга шундай деди:

— Қилаётган ишларингдан хабарим бор, ер сотаётганинг менга маълум. Қилмишларингни тегишли жойларга айтиб, фермер хўжалигингни тугаттираман! Ё бўлмаса, бир ўзинг фойда кўрма-да, бизнинг ҳам улушимизни бер!

Ю.Бобожонов «можаро»ни тинчитиш тарафдори эди, шу боис оқсоқолнинг «Тўрт минг берасан!» деган шартига мувофиқ, унга 4 минг АҚШ доллари келтириб берди. Энг қизиғи, бу билан у асло зиён кўрмади. Сабаби — Ю.Бобожоновнинг бундан кейинги барча ноқонуний қилмишлари У.Солаев билан шерикликда амалга оширилди.

Қинғир ишнинг қийиғи очилади, деганларидек, фермернинг бу ноқонуний қилмишлари ҳам эътибордан четда қолмади. Чунки умуммиллий бойлик бўлган ер унга берилган туҳфа эмасди. Ерга уруғ қадаб, пешона тери эвазига ҳосил кўтариш ўрнига уни сотиш пайига тушган «деҳқон» халқдан, қонундан ўз кирдикорларини яшириши аримаҳол. Элнинг манфаатини ўйлаши, унинг мулкига кўз олайтирганларга муросасиз бўлиши лозим бўлган фуқаролар йиғини раисининг унга ҳамтовоқ бўлгани янада ачинарли. Нафс қутқусига учраб, ўз виждонига, элдошларига хиёнат қилган бу кимсалар қилмишларига яраша жазо олишди.

Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Ҳазорасп тумани суди раиси

— Меҳнатнинг таги роҳат, дейдилар, ўғилларим!

Giyohvandlik — asr vabosi

Иродани емирувчи иллат

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Абдуҳакимнинг ўйланиб қолганини кўриб, Муродни ташвиш босди. «Йўқ деса-я», деган ўй кечди хаёлидан. Аммо танишининг ҳам дарди бошқа — у атай нархни ошириш ниятида сукут сақлаб турган эди.

— Шу кунларда менда ҳам у зорманданинг чўғи пастроқ. Ўзим учун озгина сақлаб қўйгандим. Шундан сизга ҳам...

Қисқаси, таниши билан савдолашиб оғуни сотиб олгач, Мурод уйига қайтди. Аввалига у гиёҳвандлик моддасини ўзи истеъмол қилиб юрди, аммо орадан уч-тўрт кун ўтгач, пули тугаб қолди-ю, унда қўлидаги оғуни пуллаш истаги пайдо бўлди. Шу ниятда узоқ таниши, қўшни туманда яшовчи Баҳриддинга маслаҳат солди:

— Пул жуда керак бўлаяпти, озроқ ҳалигидан бор, харидор бўлса, хабар қилинг. Фақат гап ўртамизда қолсин.

Нафс қулига айланган Мурод ҳаммани пул деса, ўзини томдан ташлайди, деб ўйлаб хато қилган эди. Дунёда яхши инсонлар кўп, шу боис ҳам заминимиз тинч, юртимиз осуда, кўнгиллар хотиржам. Танишининг «илтимос»ини эшитган Баҳриддин дўсти Фарҳодга қўнғироқ қилиб, бўлган воқеани айтиб берди. Гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний олди-сотдиси билан шуғулланиш оғир жиноят эканлиги яхши билган Фарҳод бу ҳақда ички ишлар бўлимига хабар қилди.

Тезкор тадбир давомида «харидор» қиёфасидаги Фарҳодга тўрт қадоқ гиёҳвандлик воситасини сотаётган Мурод Олтибоев жиноят устида қўлга олинди. Суриштирув ва тергов жараёнида Б.Олтибоевнинг уйидан ҳам гиёҳвандлик моддаси топилди. Шунингдек, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқ ҳимоячиларига Муроднинг ҳамтовоғи Абдуҳаким Эшбадаловни топиш ҳам қийинчилик туғдирмади.

Суд ҳалол меҳнат қилиш ўрнига нафс йўриғига юришни афзал билган кимсаларга қонунда кўрсатилган тартибда жазо тайинлади. Албатта, бу жазо чораси айбдорларнинг ўз айбларини тушуниб олиши, тўғри йўлнинг афзал эканини англаб етиши учун бир омилдир. Уларнинг тақдири эса бошқаларнинг сабоқ чиқариши учун етарли. Ушбу мақолани ёзишдан мақсад ҳам, аслида шу — инсонни соғлом ҳаётнинг қадрига етиш, виждонга хиёнат қилмасликка ундашдан иборат.

Дўстмурод ТОШЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-918. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6038. 1 2 4 5 Топширилди: 22⁰⁰